

Ҳожилар президентимиз ва халқимизга ҳайит табриги йўллаб, эзгу ташаббусга аҳд қилдилар



01:31 / 06.06.2025 1299

Муқаддас заминда ҳаж ибодатини адо этаётган миллионлаб мўмин-мусулмонлар қатори 15 минг нафар юртдошларимиз Мина ва Арафот каби муборак манзилларда улуғ амалларни ихлос ила бажармоқдалар.

Бугун, 5 июнь Арафа куни Маккаи мукаррамадаги Арафот ҳудудида бўлиб турган ҳожиларимиз тоату ибодатларда бўлиб, муҳтарам Президентимиз ва халқимизга Қурбон ҳайити табрикларини [йўлладилар](#). Уни ҳаж ибодатини ихлос ила адо этаётган ҳожиларимиз номидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқаназар ҳазратлари ўқиб эшиттирдилар. Унда жумладан бундай дейилган:

“Хурматли Президент Сизни ва Сиз орқали юртдошларимизни ҳаж ибодатини адо этаётган ҳамюртларимиз номидан мусулмон уммати учун энг улуғ байрам – Қурбон ҳайити билан самимий муборакбод этамиз.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар шундай файзли кунлар учун шукроналар айтиб, Ҳақ таолодан жонажон юртимизга қут-барака, азиз халқимизга фаровонлик ва фарзандларимизга баркамоллик сўраб эзгу дуолар қилмоқдамиз.

Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам “Дуоларнинг энг яхшиси арафа куни қилинган дуодир”, деб хушxabар берганлар.

Шунингдек, ҳожиларимиз гуноҳлар афв этиладиган ва дуолар ижобат бўладиган Арафотда туриб, Аллоҳ таолодан Юртбошимизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва улкан муваффақиятлар тилаб, хайрли ишлари доимо бардавом бўлишини илтижо қилиб сўрашди.

Шу билан бирга юртимиз ҳожилари яратиб берилган имкониятлар ва кўрсатилган эҳтиромдан руҳланиб, юртга қайтгандан кейин “Янги Ўзбекистоннинг тинчлик ва маънавият тарғиботчилари” деган эзгу ташаббусни амалга оширишни бир овоздан илгари [сурдилар](#).

Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларнинг ҳажларини мабрур айласин.